Ушбу сонда: 2 «ШУБЕРТБУНД» ЎЗБЕКЧА КУЙЛАДИ 3 TV-ДАСТУРИ 4 КУТУБХОНАГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 12 октябр, сешанба № 142 (789)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СПОРТ

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

Туркия пойтахти Анқара шаҳрида кураш бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди, унда 55 мамлакатдан энг кучли спортчилар иштирок этди.

Бразилияда футболни қанчалик севишса, Туркияда кураш спортнинг шу қадар севимли тури ҳисобланади. Бу ерга жаҳондаги энг кучли полвонлар келди, шунинг учун ҳам чемпионат жуда қизиқарли, муросасиз кураш билан ўтди.

Ўзбекистонлик спортчилар бу мусобақада эркин курашда икки медални қўлга киритдилар: Адҳам Очилов кумуш медал, Рамил Исломов эса бронза медали билан тақдирланди.

## «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг иккинчи қурултойи бўлди.** Унда мазкур партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала кўрилди. Делегатлар Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда мазкур партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Т.Даминовнинг «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партия сайловолди Дастури тўғрисидаги маърузаси тингланди, партия Дастури ва Низомига ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзолари сайланди.

**(ЎзА)**

## ТЕРМИЗДА - АЛПОМИШ БОҒИ

(репортаж)

**Маълумки, республикамизда амалга оширилаётган кўплаб эзгу ишлар юртимиз мустақиллиги сабаб амалга оширилмоқда. Республика Президентининг «Алпомиш» достони яратилганлиги 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Фармони барча қатори Сурхон воҳаси аҳлини ҳам бефарқ қолдирмади.**





Мана, салкам икки ойдирки, Термиз шаҳрида собиқ «Дўстлик» боғида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Мазкур боғ бундан кейин «Алпомиш боғи» деб юритилади. Унинг ер майдони 10 гектар бўлиб, унда 14 та турли ҳажмдаги фавворалар, катта кўл, қишки теннис мажмуи, кун чиқар томонида эса, Алпомишнинг камон отаётган ҳолатдаги бронзадан тайёрланган ҳайкали қад ростлаган. Боғнинг яна эътиборни тортадиган жиҳатларидан - равон йўлкалар, миллий чойхона, турли хиёбонлар, пляж, қаҳвахоналар қурилиши авж олган. Бундай манзара Алпомишнинг тўйини зўр шодиёналар билан ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, салкам 1000 ўринли ёзги клуб қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Боғда белгиланган ишларнинг амалга оширилиши юзасидан Термиз шаҳар ҳокими муовини Ҳаким Рауфов бошчилигида марказ ишлаб турибди.

- Боғни обод ва кўркам қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз, - дейди Шеробод тумани ҳокими биринчи ўринбосари А.Чориев. - Қаранг, октябр ойи бўлсада, бизнинг еримиз тупроқларида унган кўчат ва гулларни кўрганлар баҳорда қадалган дейиши мумкин.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги нафақат Ўзбекистонда, балки бутун туркий халқлар яшайдиган мамлакатларда ҳам кенг нишонланмоқда. Халқимизда тўйга тўёна билан боришдек зўр одат бор. Ана шу анъанага амал қилган «Ўзқурилишматериаллар» акциядорлик компанияси, Норуда материаллар бошқармаси ҳам уч миллион сўмликдан ортиқ қурилиш материалларини етказиб берди.



Тан олиш керак, Мустақиллик берган имконият нақадар беқиёс эканлигини улуғ боболаримиз макон тутган Термиздек шаҳарда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Саккиз йил ичида шаҳар тубдан ўзгарди. Замонавий кўпқаватли бинолар, теннис кортлари, ўнлаб маиший хизмат нуқталари, хиёбонлар қаторида бугун 700 миллион сўмлик қурилиш ишлари олиб борилаётган «Алпомиш боғи» ҳам шубҳасиз шаҳар кўркига янада кўрк қўшади. Ушбу тадбирларда «Сурхондеҳқонқурилиш», «Вилоятжамқурилиш», «Сурхондарёқурилиш», «Шерободсовхозсувқурилиш» трестлари бунёдкорлари айниқса ибрат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Шунингдек, «Алпомиш боғи» Бойсун тумани марказида ҳам бунёд этилмоқда. Ҳар икки боғда ҳам 20 октябрда қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиши режалаштирилган.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда: Мажмуа қурилишидан лавҳалар.**

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## «Пахта-99» УЧ ТУМАН ҒАЛАБАСИ

*Самарқанд вилояти Нарпай тумани пахта тайёрлаш режасини бажарди. Қабул пунктларига 31 минг тонна сифатли саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг 85 фоизи юқори навларга топширилди. Бу ғалабага «Бўстон», «Туркистон», Алишер Навоий номли, «Ғалаба», «Иттифоқ», «Самарқанд», Ислом шоир номли хўжаликлар пахтакорлари муносиб ҳисса қўшди.*

* * *

*Андижон вилояти Марҳамат тумани пахтакорлари 20,5 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиб, режани муваффақиятли бажардилар. Эришилган зафарда Мирзаев номли, «Пахтакор», «Машъал», Тожибоев номли хўжаликлар пахтакорларининг улуши катта бўлди. Марҳаматликлар режага қўшимча яна 4 минг 100 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.*

* * *

*Самарқанд вилоятининг чорвачиликка ихтисослашган Нуробод тумани деҳқонлари пахтачиликда ҳам ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Улар кейинги уч йил давомида чўл шароитида пахта етиштириш самарали эканлигини исботладилар. Чўлқуварлар бу йил ҳам вилоятда биринчилар қаторида ғалабага эришиб, 1 минг 50 тонналик «оқ олтин» хирмони уйишга муваффақ бўлдилар.*

## «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

**Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясининг бешинчи қурултойи бўлиб ўтди.** Унда партия Марказий Сиёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партиянинг сайловолди Дастури муҳокама этилди. Марказий Сиёсий Кенгаш Раиси А.Турсунов шу ҳақда маъруза қилди. Партиянинг сайловолди дастури маъқулланди.

Делегатлар «Ватан тараққиёти» партиясидан Ислом Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда партия Дастури ва Низомига баъзи ўзгартиришлар киритилди, партия Марказий Сиёсий Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

**(ЎзА)**

## КХДР аёллари Ўзбекистонда

**Корея Халк-Демократик Республикаси хотин-қизлари Демократик Иттифоқи делегациясининг республикамизга ташрифи ниҳоясига етди.**

- Ташрифдан мақсад Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари фаолияти билан танишиш эди, - деди КХДР хотин-қизлар Демократик Иттифоқи раисининг ўринбосари Цой Чан Сук хоним. - Сизнинг мамлакатингиз, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар бизда унутилмас таассурот қолдирди. Мамлакатингизда аёллар жамоат ва давлат қурилишида катта ўрин тутишига ишонч ҳосил қилдик, мамлакат ҳукумати уларни ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишга жалб қилишга катта эътибор бермоқда. Бу эса мамлакатингизда аёллар нечоғли ҳурмат қилинишини кўрсатади.

Делегация аъзолари «Оила» республика илмий-амалий марказида қизиқарли учрашув ўтказдилар ва марказ фаолияти билан танишдилар, республика байналмилал марказида, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасида бўлдилар. «Шарқ гули» акциядорлик жамияти ишчилари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари билан ҳам учрашув бўлди. БМТ «Гендер ва тараққиёт» дастури бюросида нодавлат ташкилотлари вакиллари, тадбиркор аёллар билан давра суҳбати бўлди. Кореялик меҳмонлар Ҳамза номли академик театр спектаклини, Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қилдилар, Ўзбекистон бадиий академиясида бўлдилар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

**З.УСМОНОВА.**

## *МИНТАҚАДА ТУРИСТЛАР АНЖУМАНИ*

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясида «Ипак йўли бўйлаб туризм» 5-Тошкент халқаро туризм ярмаркаси очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлди. Унда ярмарка ташкилотчилари мамлакатимиздаги ва хориждаги оммавий ахборот воситаларининг вакилларини бўлажак ярмарканинг мақсадлари ва вазифалари, шунингдек унинг аҳамияти билан таништирдилар.

Матбуот анжумани иштирокчилари журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, дунёда туризм индустриясининг асосий анъаналари ва бизнинг мамлакатимизда туризмни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб бердилар. Ўзбекистон туризм ривожланган йирик давлатлардан бирига айланиши учун ҳамма шарт-шароит мавжудлиги таъкидланди. Республикада туризмнинг энг замонавий ва оммабоп турларини муваффақият билан ривожлантириш мумкин.

Ярмаркани ўтказиш халқаро алоқаларни, туристларни айирбош қилишга, туризм соҳасида амалий ҳамкорлик ва бизнесни ривожлантиришга имкон беради, шунингдек Ўзбекистон туризм маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишга ёрдам беради.

**О.ЗАДУНАЙСКАЯ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ ҲАҚИДА

**Ўтган кеча-кундузда Ўш вилояти жанубидаги вазият деярли ўзгармади. Қирғизистон Республикаси жангчилари террорчилар жойлашиши мумкин бўлган ерларга қарата ўт очмоқда. Алоҳида куролли кучлар бўлинмалари жангарилардан озод қилинган жойларни тозаламоқда, кейин ўзлари жойлашган ерларга қайтиб келмоқда. Куршовда қолган жангариларнинг ёриб чиқишига йўл қўймаслик учун тезкор ҳаракат гуруҳлари жалб этилган, Хўжа Очкан қишлоғи чегараларидаги ғорларда мавжуд вазият ҳар куни ўрганилмоқда. Жанговар отрядлар етарли даражада ўқ-дори ҳамда ҳужумни бошқариш учун лозим бўладиган алоқа воситалари билан етарли даражада таъминланган. Вертолётчилар ҳар куни беш-олти марта жанговар сафарга учиб, ўз вазифаларини бажармоқда: махсус группаларни керакли жойларга қўндириб, Хўжа Очкан қишлоғи ҳудудига ҳаводан ракета зарбаларини бермоқда.**

Террорчилар музокараларни чўзиш баҳонасида ўз истеҳкомларини мустаҳкамлаш учун вақтдан ютиш пайида. Улар жазолаш билан қўрқитган ҳолда маҳаллий аҳолини қуролли ҳужумлардан анча вақтгача сақлайдиган истеҳкомлар қуришга мажбур қилмоқда.

Айрим маълумотларга қараганда, бугунги кунда Хўжа Очкан атрофида бир неча юз жангари тўпланган. Душанба куни Бишкекда ўтказилган брифингда эса, Қирғизистон Президентининг матбуот котиби Канибек Иманалиев ҳозир у ердаги жангарилар сони юзга етмаслиги, қолганлари майда-майда гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистон ҳудудига ўтиб кетгани ҳақида баёнот берди.

Шунга қарамасдан, Қирғизистон ҳукуматининг қўшинлари ҳал қилувчи жангга тайёрланмоқда. Чунки террорчилар ҳали-ҳануз Боткенда ўрнашиб қолиш фикридан воз кечгани йўқ. Буни Зардоли қишлоғи озод қилинганидан сўнг, у ердан жангарилар қишки мавсум учун тайёрлаб қўйган 1,5 тонна ўсимлик ёғи, 30 тонна ғалла, шунингдек, кўп миқдордаги гўшт маҳсулотлари топилгани ҳам тасдиқлайди.

Яқинда Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев бир ярим ой мобайнида жанговар ҳаракатлар давом этаётган жойлардаги вазият билан танишиш учун мамлакат жанубига келди. У Қирғизистон газеталари мухбирлари билан суҳбатда давлат ҳудуди яқин кунларда босқинчилардан озод қилинишини айтди.

**Н.МУҲАММАДИЕВ**
**(ЎзА).**

*Обуна-2000*

## «ISHONCH» - МЕҲНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

*«Салом, ҳурматли таҳририят!*

*«ISHONCH» газетасини ўқиб ўтириб одамларнинг дарду ҳасратларига малҳам бўлаётганлигингизга кўзим тушиб, мен ҳам мактуб йўллашга қарор қилдим. Бизнинг маҳалламизга 3-4 йилдан бери сув келмай қолди. Ариқлар эса аллақачон кўмилиб кетган. Қачонгача сувни қўшни маҳалладан ташиб келтирамиз?*

*Ёрдам берасизлар деган умиддаман».*

*Бу таҳририятимиз хатлар қутисига келиб тушаётган арзномалардан бир шингил, холос. Гарчанд уларнинг аксарияти бир ёки бир неча шахс томонидан йўлланса-да, лекин хатда ўртага ташланган муаммо ечимидан кўпчилик манфаатдор. Агар бир мактуб туфайли маҳаллага сув келса, ундан юзлаб одам баҳраманд бўлади. Борди-ю, мутлақо шахсийдек туюлган масалага ойдинлик киритилса, билингки, худди шундай аҳволга тушган бошқа кишилар ҳам ўзига йўлйўриқ олади. Демакки, таъбир жоиз бўлса, таҳририят томон узатилган битта қўл ўнлаб, юзлаб одамларнинг қўлига ҳам сув қуяди.*

*Бежизга матбуотни омма билан турли идора ва ташкилотлар ўртасида турган беминнат дастёр, кўприк дейишмайди. «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» ана шундай холис хизмат учун доимо шай турган газеталар сирасидан эканлигини муҳтарам муштарийларимиз яхши билишади. Зотан, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу нашр касаба уюшмалари - халқ манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлган энг оммавий жамоат ташкилотининг кўзгусидир.*

*Маълумингизким, шу йил 25 сентябрдан республикамизда чоп этиладиган барча нашрлар қатори «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига ҳам 2000 йил учун обуна бошланди. Мазмун-моҳиятига кўра халқнинг қалбига қулоқ тутиб, сиз, муҳтарам муштарийларнинг орзу-умидлари, хоҳиш-иродаларини ифода этишга тайёр турган ишончли ҳамроҳингизга камарбаста бўласиз, деган умиддамиз.*

*Унутманг: «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» - сизнинг газетангиз. У ҳамиша сизнинг манфаатингизни ҳимоя қилади.*

**Нашр индексимиз:**
**«ISHONCH» - якка тартибда - 133, ташкилотлар учун - 134**
**«ISHONCH-ДОВЕРИЕ» - якка тартибда - 135, ташкилотлар учун - 136**

## РАЁСАТ ҚАРОР ҚИЛДИ

**Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси МҚ Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Раёсат Андижон вилояти корхоналари мисолида ишчиларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш ва ишлаб чиқаришдаги шикастланиш оқибатида етказилган зарарни тўлаш қоидаларининг бажарилиши ҳамда Тошкент шаҳар ва Бухоро вилояти корхоналари касаба қўмиталарида иш олиб боришни Давлат тилига ўтказиш масалалари бўйича ахборотларни тинглади ва атрофлича муҳокама этиб, бу ишларни жойларда янада жонлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Касаба уюшмаси Раёсатининг қарори билан тармоқ ишчилари орасида касаба уюшмаси олиб бораётган фаолиятнинг қанчалик самарали эканлигини аниқлаш учун сўров ўтказилган эди. Сўров натижаларини кўриб чиқиб, Раёсат касаба ташкилотлари, фаолларининг ишларини бундан кейин ҳам янада жонлантириш, жойларда фаоллар ўқувининг самарасини ошириш ва касаба қўмиталарининг илғор тажрибаларини кенг ёритиш ва уларнинг омма билан алоқаларини бундан ҳам мустаҳкамлашни таклиф қилди.

Ваколат муддатлари тугагани муносабати билан жойларда, бошланғич касаба ташкилотларида ўтказилган ҳисобот- сайловларнинг натижалари таҳлил қилинди ва тармоқ касаба уюшмасининг IV Қурултойига сайланган вакиллар ваколати тасдиқланди.

Касаба уюшмаларининг нашри «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига 2000 йилда обунанинг ҳамма бошланғич ташкилотларда ташкил қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинди.

**А.ТОШПЎЛАТОВ,**
**Касаба уюшмаси МҚ бўлими мудири.**

